

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

326 Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида» 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1672-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сон қарори билан тасдиқланган Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясида 583-сатрнинг «Кичик корхоналар» устунидаги «11 — 25» рақамлари «11 — 100» рақамлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазир-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

326-модда

— 86 —

25 (577)-сон

лар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 14 июнь,
172-сон